ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00989

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ АЛОҚАЛАРИ

Бурхон Бўронович Жаҳонгиров
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

Тоҳир Азизович Турғунов
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада, Республика Фанлар академияси илмий - тадқиқот институтлари, олий таълим муассасалари ва бошқа илмий марказларининг Осиё мамлакатлари илмий-тадқиқот марказлари билан илмий - техникавий ҳамкорлигининг ўрнатилиши, ҳамкорликда илмий мавзулар танлаш, грант лойиҳалари устида ишлаш, кадрлар тайёрлаш, стажировкалар ташкил этиш, тажриба алмашиш, илмий-тадқиқот ишларини натижаларини ишлаб-чиқаришга жалб қилиш, назарияни амалиётга тадбиқ этиш

Дунёнинг кўплаб мамлакатлари олимларининг бир-бирлари билан яқин ҳамкорлик қилишини, ўз мамлакатларига илмий - техник тараққиёт ютуқларини жалб қилишларини, бунинг учун хилма-хил шакллардан фойдаланиш, хусусан, илмий муассасалар билан изчил алоқада бўлишни, олий ўқув юртлари, олимлар билан мулоқотда бўлишни, ҳамкорликдаги муайян муаммолар бўйича қўшма тадқиқотлар олиб боришни, илмий марказларда стажировка қилишни, аспирантураларда ўқишларини ташкил этишни талаб қилади.

Калит сўзлар: илм-фан, илмий-техника, илмий-тадқиқот, илмий марказ, Фанлар академияси, олий таълим, кафедра, профессор-ўқитувчилар, талаба, грант, халқаро дастур, ҳамкорлик, шартнома.

SCIENTIFIC AND TECHNICAL RELATIONS OF UZBEKISTAN WITH ASIAN COUNTRIES

ABSTRACT

In this article, Uzbekistan's scientific and technical cooperation with Asian countries stems, first of all, from the fact that the modern industry cannot develop effectively without the achievements of the scientific and technological revolution, fundamental knowledge and discoveries, technical and technological innovations. Science is, in essence, an international phenomenon, the result of the concerted and

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00989

collaborative work of scientists in many countries. Scientists from many countries of the world should work closely with each other, attract scientific and technological advances to their countries, use various forms for this purpose, in particular, keep in touch with scientific institutions, communicate with universities, scientists, requires joint research on problems, internships in research centers, organization of postgraduate studies.

Keywords: science, science and technology, research, research center, Academy of Sciences, higher education, department, faculty, student, grant, international program, cooperation, agreement.

КИРИШ

Ўзбекистоннинг кенг ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолияти ўзбек халқининг маънавий қадриятлари ва имкониятлари тикланишига, ўзини бошқа халқлар оиласидаги тўла ҳуқуқли миллат сифатида англаб етишига янада куч бахш этди. Дарҳақиқат, кенг миқёсдаги халқаро алоқалар жаҳон маданиятини янада чуқурроқ билиш, умуминсоний қадриятлардан баҳраманд бўлиш учун қулай замин яратади. Айни маҳалда ўзбек халқининг турли фаолият соҳаларидаги истеъдоди ривожланишига, унинг тадбиркорлик ва киришимлилик, бир неча чет тилларни тез ўрганиб олиш каби ноёб фазилатлари тўла-тўкис рўёбга чиқишига имкон беради.

Ўзбекистоннинг илм-фан соҳасидаги халқаро алоқалари мустақиллик йилларида том маънода ривож топди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтлари, илмий марказлар, олий таълим муассасалари, хориждаги ўз шериклари билан икки томонлама ва кўп томонлама илмий ҳамкорлик олиб бордилар. Натижада илгари маълум сабабларга кўра, амалга оширилиши мумкин бўлмаган илмий ҳамкорлик юзага келди. Жаҳон фани, минтақамиз, хусусан, Ўзбекистон учун иқтисодий-ижтимоий аҳамиятга эга бўлган долзарб илмий мавзулар бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш имкони туғилди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ушбу тадқиқот ишида тарихийлик, объективлик, тарихий изчиллик тамойилларидан фойдаланилди. Ўзбекистоннинг Осиё мамлакатлари билан илмий - техник ҳамкорликни амалга ошириши, техник, технологик янгиликларнинг ишлаб чиқаришга тадбиқ этишда Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви, Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00989

қўмитасининг жорий архиви, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, вазирликлар, Олий таълим муассасалари жорий архиви материаллари ва Қ.Усмонов, М.Содиқов, С.Бурхонова, А.Қирғизбоев, Л.Худойқулова, Ш.Зиямов, Д.Васиева, Д.Мишарев, Э.Нуриддинов, Г.Реука ва бошқаларнинг асарлари, номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилишда фойдаланилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

НАТИЖА ВА МУҲОКАМАЛАР

Республика олимларининг халқаро ҳамкорлик алоқлари турли шакл ва кўринишларда амалга оширилади. Масалан, хорижий мамлакатларда ўтказиладиган илмий конференция, конгресс, симпозиумларга хизмат сафари билан бориш, илмий институтлар, олий ўқув юртлари билан бевосита алоқалар ўрнатиш, ҳамкорликда илмий тадқиқотлар олиб бориш, хорижий илмий марказларга малака ошириш, стажировкага бориш, у ерда аспирантларни ўқитиш ва ҳаказо.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг қатор тармоқ илмий текшириш институтлари Осиёнинг бир қанча давлатлари етакчи илмий текшириш институтлари ва олий ўқув юртлари билан илм-фан соҳасида ҳамкорлик ишларини тўғри йўлга қўйиб, бу борада бир қанча ютуқларга эришдилар. 1993 йил 29 июлида Ўзбекистон Республикаси ва Ҳиндистон ўртасида имзоланган илм - фан соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома сабаб, 1994 йил 5 январда Илмий-техник ҳамкорликка кўмаклашучи Ўзбекистон - Ҳиндистон маркази фаолият бошлади ва бу марказнинг олдига илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик ишларини ривожлантириш вазифаси қўйилди[1].

Ўзбекистон ва Ҳиндистон давлатлари қишлоқ хўжалиги, медицина, экология, информатика, компьютер техникаси, қуёш энергетикаси, лазер технологияси ва бошқа бир қатор соҳаларда ҳамкорлик ишларини олиб бормоқда. 1995 йил Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Санъатшунослик институтининг икки нафар ходими Ҳиндистонда ўтказилган “Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги энг қадимги даврлардан шу кунгача бўлган тарихий ва маданий алоқалар” номли илмий семинарда иштирок этиш учун юборилди. Шу йилнинг ўзида мазкур Санъатшунослик институтида “Марказий Осиё санъатида анъанавийлик ва наваторлик” мавзусидаги илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Г.А.Пугаченкованинг маърузасида Ўзбекистон ва

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00989

Ҳиндистон ўртасидаги маданий алоқаларнинг қадимий манбалари ва сарчашмалари батафсил ёритиб берилди[2].

1995-1998 йил мобайнида Ҳиндистонда компьютер дастурлари бўйича уч нафар мутахассис, газ ва нефть оқимини ўлчаш ва бошқариш техникаси бўйича тўрт нафар мутахассис, компьютер дастурлари тизими бўйича икки нафар мутахассис стажировкада бўлиб қайтдилар. 1998 йилнинг май ойида икки марта илмий – техник ҳамкорлигининг ишчи дастури имзолонди. Унда қўшма дастурларда иштирок этувчи мутахассис – тадқиқотчиларни тажриба ўрганиш ва уларнинг тадқиқот натижаларини амалда қўллаш учун узоқ муддатли хизмат сафарларига жўнатиш кўзда тутилган[3].

2000 йилнинг март ойида Ҳиндистон маданият марказида “Ҳиндистон ва Марказий Осиё” (исломдан аввалги давр) мавзусида семинар ўтказилди. Ушбу семинарнинг тадқиқотчилари Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси- нинг санъатшунослик институти ва Археология институтлари бўлди. Мазкур семинарга Москва, Санкт Петербург, Ҳиндистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг турли минтақаларидан олимлар ташриф буюрди. Семинар уч кун давом этди, унда 36 та турли мавзулардаги маърузалар тингланди. Муҳокомаларда 100 га яқин олим ва мутахассислар иштирок этди. Маърузаларда Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги маданий, савдо-иқтисодий, нумизматик ва ишлаб чиқариш технологик алоқалар чуқур ва ҳар томонлама батафсил ёритиб берилди[4].

2000 йил январида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти олимлари Ҳиндистонда бўлиб ўтган Гравитация ва космология бўйича халқаро конференцияда иштирок этдилар. Мазкур конференцияга “Умумийлик нисбийлик назариясида плазма учун Ом қонуни ва Керр фазосида Каумен теоремасининг антидинамоси” мавзусидаги маъруза тақдим этилди. Шунингдек, конференция доирасида Каражур шаҳридаги Ҳиндистон Технологиялар институтининг физика факультетида ўтказилган семинарда “Умумий нисбийлик назариясида гравитомагнит эфектлар” мавзусидаги маъруза ҳам ўқилди. Конференция жараёнида хорижлик олимлар билан алоқалари ўрнатилди, умумий нисбийлик назарияси бўйича етакчи мутахассислар билан имлий натижалар муҳокама этилди. Осиё мамлакатлари, хусусан Ҳиндистон, Бангладеш, Туркия, Ўзбекистон ва бошқа давлатлар ўртасида назарий физика Халқаро Маркази (Италия) доирасида нисбийлик

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00989

назарияси бўйича ишчи тармоғини ташкил қилиш юзасидан мақсад протоколи тайёрланди[5].

2000 йилда Ҳиндистонда ўзбекистонлик 21 нафар мутахассис стажировкада бўлди ва турли курсларда ўқиб қайтди. 2001 йилда бу кўрсаткич 65 нафарни ташкил этди. Шу жумладан, уларнинг 35 нафари компьютер курсларида таҳсил олишди[6].

Шунингдек, шу йили университетнинг профессор-олимлари Квебек Ловал, Монреал университетларида, Қувайт ва Саудия Арабистони университетларида илмий сафарларда бўлдилар[7].

Ўзбекистон Покистон Ислом Республикаси билан 1992 йил 27 июнда имзолаган Маданият, соғлиқни сақлаш, Фан, техника, кадрлар тайёрлаш, туризм, спорт ва оммавий ахборот воситалари соҳасидаги ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги шартнома, 1995 йил 22 майдаги фан ва техника борасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги Битимлар имзолади. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитаси билан Ислом Конференциясининг Доимий қўмитаси ўртасида ўртасида Фан ва техника соҳасида ҳамкорлик ўрнатилди.(COMSTECH) 1996 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Зоология институти ёввойи табиатни сақлаш фонди ва Покистоннинг Дрофи Джек фондлари билан ҳамкорлик тўғрисида Меморандум тузди. Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик ишлари самараси сифатида «Покистон Интернейшнл Эйрлайнз» ва «Эй-Би-Эм Дейта Системс (ПВ)ЛТД» фирмалари компьютер муҳандислиги, янги компьютер тизимларини ишлаб чиқариш ва сервис хизмати кўрсатиш борасида қатор ишлар бажарилди.

Қуёш физикаси илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Физика ва техника институти олимлари 2000 йилнинг апрелида Исломободда бўлиб ўтган энергиянинг янгиланувчан манбаларига бағишланган Халқаро конференцияда иштирок этдилар. “Ўзбекистонда Қуёш энергиясини қайта ҳосил қилиш борасидаги тадқиқотлар” номли маърузада Фанлар Академияси институтида қуёш энергиясини қайта ҳосил қилишнинг турли соҳаларида: қуёш энергиясини фотовольтоник усулда электр энергиясига айлантириш, қуёш энергиясини пастки ҳарорат воситаси билан иссиқлик энергиясига айлантириш борасида тўпланган тажрибалар ва уларнинг натижалари баён этилди. Фанлар Академияси Ўсимлик моддалари кимёси институти Покистоннинг доривор ўсимликларидан препаратлар яратиш технологияси бўйича халқаро мактаб илмий алоқаларни амалга оширмоқда. Ушбу институт олимлари 2001 йилнинг январ ойида Табиий бирикмалар кимёси бўйича 8-халқаро симпозиум ишида

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00989

иштирок этди. Симпозиум иштирокчиларида институт олимлари томонидан қилинган “Уч қисмли Хипазолин алкоидлар кимёси”, “Fcontinuum туркумидаги айрим доривор ўсимликларнинг таъсир этиш сабаблари” мавзусидаги маърузалар жуда катта қизиқиш уйғотди[8].

2000 йил декабрида COMSTECHнинг бош координатори Ўзбекистон томонига Покистоннинг Pakistan Steel компанияси тақдим этган металлургия учун янги технологиялар соҳасида тайёргарлик дастурини кўриб чиқишни тавсия қилди. Ўзбекистон ва Эрон ўртасидаги илмий - техник ҳамкорлик 1992 йил 25 ноябрда имзоланган Ҳукуматлараро Меморандум ва 1993 йил 18 октябрда имзоланган савдо, иқтисодиёт, саноат, фан ва техника соҳасида ҳакорлик қилиш бўйича қўшма комиссия тўғрисидаги Ҳукуматлараро Протокол асосида амалга оширилмоқда. Ўзбекистон ва Эрон ўртасидаги илмий - техник ҳамкорликнинг ривожлантирилишида ҳукуматлараро комиссиянинг 2001 йил 21 февралда бўлиб ўтган 3-мажлисининг аҳамияти жуда катта. Радиофизика, яримўтказгич материаллар ва ускуналар соҳасида, бошқарув тизимини автоматлаштиришда ЭҲМлардан фойдаланиш, астрофизика, микробиология, биотехнология, вирусология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, биоорганик кимё, ўсимлик моддалари кимёси, тупроқшунослик ва агрокимё соҳаларида ҳамкорликни янада фаоллаштириш зурурлиги эътироф этилди.[9]

Илмий - техникавий ҳамкорликлар ишлари натижаси сифатида 2002 йил 28 апрелда Самарқандда «Фарм Доктор Обидий» Ўзбекистон-Эрон қўшма кархонаси иш бошлади. Кархона 26 турдаги антибиотиклар ва ойига 1млн дона бир маратобалаик шприцлар ҳамда парфюмерия махсулотлари ишлаб чиқара бошлади ва 200 киши иш ўрни билан таъминланди[10].

Япония Ўзбекистоннинг 1991 йилдаёқ мустақил давлат сифатида тан олган. 1992 йилда Япония билан ўзаро дипломатик алоқалар ўрнатилди. 1994 йил 16-19 май кунлари Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги делегация Японияда бўлди. Сафар давомида “Ўзбекистон билан Япония ўртасида муносабатларнинг асосий принциплари ҳақидаги қўшма Баёнот”, ташқи ишлар бўйича муносабатлар ҳақидаги хужжат имзоланди. Ўзбекистонга Япония 100 млн АҚШ доллари беғараз ёрдам берди. Ўзбекистонда Япониянинг “Mitsui”, “Mitsubishi”, “Sumitoto”, “Tomen”, “Marubeni”, “Nishe Ivai” корпорацияларининг доимий ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Япония ҳукумати, ўнлаб фирма ва компаниялар Кўкдумалоқ, Шўртан нефт – газ конини ўрганишда, Бухорода нефтни қайта ишлаш заводини қуришда, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини қайта таъмирлашда,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00989

телеалоқа тармоқларини таъмирлашда ўз сармоялари билан қатнашмоқда. Япониянинг “Keydzay Doyukay” уюшмаси раҳбарлари 1999 йил апрел, 2001 йил май ойларида Ўзбекистонга ташриф буюришди, уюшма раҳбарлари ташаббуси билан Япония Ўзбекистонга кўплаб имтиёзли кредитлар ажратди[10].

Маданиятлараро мулоқотни муваффақиятли ривожлантиришда 1999 йил таъсис этилган “Ўзбекистон - Япония” дўстлик жамиятининг салмоқли ўрни бор. Жамият Кунчиқар мамлакатнинг “Япония - Ўзбекистон” дўстлик ассоциацияси ва “Фукушима - Ўзбекистон” маданий-иқтисодий ҳамкорлик ассоциацияси билан яқин алоқалар ўрнатган.

2001 йил Тошкент марказида очилган “Япон боғи” ўзбекистонликларнинг ҳордиқ чиқарадиган ва турли тантанали тадбирлар ўтказадиган севимли масканига айланган.Таниқли япон рассоми Икуо Хираяма билан ҳамкорликда пойтахтимизда 2002 йил асос солинган Ўзбекистон – Япония илмий-ижодий “Маданият карвон саройи” замонавий маданият маркази сифатида фаолият юритмоқда. Бу масканда фото ва санъат кўргазмалари ва бошқа қизиқарли тадбирлар ўтказилмоқда.

Японияда ҳам халқимизнинг қадимий тарихи ва маданиятига қизиқиш катта – ушбу мамлакатда буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий асарларини мутолаа қилишади ва севишади. 2004 йил Сока университетида ўзбек адабиётининг мумтоз вакили ҳайкали қад ростлади. Япония ҳукуматининг “Тараққиётга расмий ёрдам” дастури доирасида Ўзбекистон телекоммуникация. Транспорт, инфратузилмаси ва таълим соҳаларидаги лойиҳалар ижроси учун 560 миллион АҚШ доллари миқдорида имтиёзли давлат кредитлари берилди. Япония халқаро ҳамкорлик банки эса ёқилғи энергетикаси ва тўқимачилик соҳалари учун Ўзбекистонга 720 млн АҚШ доллари миқдорида кредит берди. 1995-2010 йилларда Япониянинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган кредитлари миқдори 2,3 млрд АҚШ долларини ташкил этади. Ўзбекисонда 10 дан ортиқ Ўзбекистон-Япония қўшма корхоналари барпо этилди ва фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда 15 та япон компанияси ваколатхоналари рўйхатга олинган. Улар нефть-газ, нефть-кимё ва кимё тармоқлари, энергетика жиҳозлари ва машинасозлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, транспорт-логистика хизматини кўрсатиш, савдо операциялари ва туризм соҳаларига ихтисослашган. Ўзбекистонда “Marubeni”, “Mitsubishi Motors”, “Japan Oil”, “Gas and Metals National Corporation (JOGMEC)”, “Toyota Tsusho”, “Itochu”, “Isuzu Motors Ltd.” ва бошқа машҳур япон компаниялари иш юритмоқда.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00989

2000-2010 йилларда Япония гранти асосида 206 нафар ўзбекистонлик ёшлар Японияда таълим олиб, магистр даражасига эга бўлди[11].

Ўзбекистоннинг Хитой Халқ Республикаси билан илмий-техник ҳамкорликлари муваффақиятли равишда ривожланиб бормоқда. Мазкур ҳамкорлик 1992 йилнинг 13 мартида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ўртасида тузилган “Илмий - техник ҳамкорлик тўғрисидаги Битим”га мувофиқ амалга оширилади[12].

Хитой Фанлар Академияси Амалий математика институти, Вашингтон университети, Файзобод университети, Босул университети, Ал Асқар, Ал Машриқ университетлари ва бошқа таълим ҳамда илмий муассасалари билан илмий ҳамкорлик шартномаларини имзоладилар. 1994 йилга келиб университетнинг хорижий давлатлар билан ҳамкорликдаги илмий шартномалари сони 12 тага етди[13].

Хитойда кўплаб мустақил “Жорий этиш” фирмалари фаолият кўрсатар, бу эса ихтирочи ва ишлаб чиқарувчи ўртасидаги воситачи эмас, аксинча, бевосита янгиликни ишлаб чиқаришга жорий этиш билан шуғулланарди[14].

Битмни имзолашда ҳар икки томон ҳам илм ва техникани ривожлантириш, ўзаро тенглик ва манфаатдорликни таъминлаш, шунингдек, бу илмий-техник ҳамкорлик ҳар иккала давлатнинг иқтисодий ривожланиши учун ёрдам бериши лозимлиги талабларидан келиб чиққан.

Мазкур битим қуйидагиларни кўзда тутади:

-илмий-техник делегациялар, олимлар ва мутахассисларнинг ўзаро алмашинувини ташкил қилиш;

-илмий-техник информация ва хужжатларнинг, турли буюм ва материалларнинг, “нау-хау” ва лицензияларнинг ўзаро алмашинуви;

-илмий-техник симпозиум ва илмий конференциялар ташкил қилиш;

Ҳамкорликда тадқиқотлар ўтказиш ва тадқиқот натижалари ҳамда ишланмалар билан ўзаро алмашинув[15].

Фанлар Академиясининг Ботаника институти билан ҳамкорликда Копеттоғ ва Помир, Оролбўйи минтақаларига экспедициялар уюштирилди ва унинг натижасида кенг кўламли, бой гербарийлар йиғишга муваффақ бўлинди. “Биолог” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Сичун (Хитой) Қишлоқ хўжалик фанлари Академиясининг Пахтачилик институти билант ғўзанинг элита уруғлари ва энг яхши навларини сақлаб қолиш ва қайта тиклашиш биохимик технолгияларни ишлаб чиқиш ҳамда уруғчилик ишларини янада яхшилаш мақсадида ҳамкорлик қилиш тўғрисида Шартнома тузд[16].

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00989

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академяси Тарих институтининг илмий ходимлари 2003 йилда Хитой Халқ Республикасида бўлиб ўтган халқаро илми анжуманида маърузалар билан иштирок этди[17].

Биокимия институти шартнома доирасида Тяньцин биокимия ва формацевтика заводи (Хитой) билан ҳамкорликда хавфли ишларга қарши антивирус препаратларни ишлаб чиқариш борасида талқиқотлар олиб бормоқда[18].

Сейсмология институти Хитой Халқ Республикасида сейсмологик бюросига қарашли илмий станцияда илмий-тадқиқотлар олиб борилди. Хитой Фанлар Академясининг Сейсмология бюроси мутахассислари томонидан Ўзбекистондаги учта сейсмик станцияни станция қайта жиҳозлаш тўғрисида Шартнома тузилди. Фанлар Академясининг Кимё ва ўсимли моддалари институти билан Хитой Фанлар Академясининг Кимё институти ўртасида ҳам яқин илмий алоқалар ўрнатилган. Ўзаро ҳамкорликдаги режага асосан бу икки маскан олимлари Хитойда ўсадиган – ғўза баргларининг таркибини таҳлил қилиш ва ўрганиш, Хитойда ва Ўзбекистнда ўсадиган ғўза баргларини қиёсий ўрганиш,шунингдек, ўсимликлар ўсиши стимуляция қилишини синовчи Ўзбекистондаишлаб чиқарилган стимулияторларни биргаликда синовдан ўтказишни режалаштирган[19].

Томонларнинг ўзаро келишиувига кўра, 1999 йилда савдо иқтисодий алоқалар бўйича Халқаро ҳукумат комиссияси доирасида илмий-техник ҳамкорлик юзасидан ҳам кичик комиссия тузилди. Мазкур кичик комиссиянинг 2000 йил июлда Тошкентда бўлиб ўтган илк мажлисида унинг мақсад ва вазифалари, иккала давлат ўртасида ги илмий-техник ҳамкорликнинг асосий принциплари ва йўнлаишлари белгилаб олинди.

Ўзбекистон олимлари Хитой Фанлар Академясининг Геокимё институти билан ҳамкорликда қўшма дала тадқиқотлари ўтказди. Ҳиндистон Қишлоқ хўжалиги Академиясининг Микробиология институти билан биргаликда, (1991 йилда тузилган Ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома доирасида) микроорганизмлар ёрдамида оқар сувларни тозалаш муаммолари ва яшил сув ўтларидан фойдаланишвоситасида тупроқ таркибини соғломлаштириш борасида қўшма тадқиқотлар олиб бормоқда[20].

Ҳамкорликдаги лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш борасида: ҳамкорликдаги сейсмологик лабаратория ташкил илиш тўрисидаги келишувга эришилди. 2001 йил июлида қўшма станция ташкил қилиш тўғрисидаги битим имзоланди. Ушбу битимга мувофиқ Хитой томони (Хитой

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00989

сейсмик бюроси) 400 минг АҚШ долларига тенг қийматга эга бўлган зарур асбоб-ускуналарни ажратди.Ўзбекистон томони эса (Ўзбекистон Фанлар Академияси) коммунал хизматлар учун тўловлар учун тўловларни,ходимларга маошни тўлаш учун, шунингдек, бошқа ҳаражатларни қоплаш учун зарур бўладиган 6 миллион сўм миқдорида маблағ ажратишга қарор қилди. Энергетика, материалшунослик, пахтачилик соҳалари бўйича қўшма дастурлар ишлаб чиқилмоқда. 2001 йилда 5 нафар Ўзбекистонлик мутахассислик Хитойдаги курсларда ўқиб, ўз малакаларини ошириб келди.

2001 йил октябр ойида Тошкентда семинар ўтказилди. Мазкур семинарда Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги илмий-техник алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокам қилинди.Семинарда иккала давлат ўртасида илмий-техник алоқаларни янада ривожлантириш, уларга амалий йўналиш бериш ҳамда бу алоқаларнинг муайян натижаларига эришмоқ зарурлиги тўғрисида ягона фикрга келинди. Ҳамкорликда илмий ишлар олиб бориш учун хитойлик мутахассисларнинг кичик гидроэнергетика соҳасидаги ютуқлари, яъни халқ хўжалигида қуёш энергияси ва шамол кучидан фойдаланиш соҳасидаги тажрибалари ҳам кенг имкониятлар очиб беради[21].

Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги илмий-техник ҳамкорликни янада ривожлантириш, фан ва техника соҳасида эришилган ютуқлар билан ўзаро алмашиниш борасида 2002 йил апрелида ўтказилган “Ўзбекистон Хитой фан-техникаси кунлари” ҳам жуда катта роль ўйнади. Зеро, мазкур тадбирда хитойлик олим ва мутахассисларнинг фан ва техника соҳасида эришган ютуқлари, юқори технологиялардаги натижалари кўргазмага қўйилди. Ушбу кўргазманинг ташкилотчилари Хитой Фан ва Техника вазирлиги, Хитой илмий-техник алмашинув маркази, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазмрлар Маҳкамасининг илмий-техник тараққиёт бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаши қошидаги Фан ва техника маркази бўлди.Пойтахтимиздаги “Ўзбекистон кўргазмалар марказида” Хитой Халқ Республикасининг юқори авиация тезнологиялари, янги материаллар, шунингдек,геологоразведка, нефть қазиб чиқариш ва нефт маҳсулотларини қайта ишлаш, гидроэнергетика,қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, енгил ва озиқ овқат саноати, қишлоқ хўжалиги каби соҳалардаги энг янги илмий ишланмалари намойиш этилди[22].

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси олимларидан 1997-2001 йилларда 861 нафар, жумладан, 1997 йилда 120 нафар, 1998 йилда 83

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00989

нафар,1999 йилда 121 нафар, 2000 йилда 229 нафар, 2001 йилда 308 нафари илмий сафарларда бўлишган[23].

Ўз навбатида мамлакатимизга Осиё мамлакатларидан келган кўплаб аспирантлар ва стажёрлар таҳсил олган. Масалан, 1997 йилда Ўзбекистонга 40нафар аспирант ва стажёрлар келган бўлса, шулардан 7 нафари Ҳиндистондан, 7 нафари Жанубий Кореядан, 2 нафари Хитойдан ва 2 нафари Покистондан эди[24].

ХУЛОСА

Ўзбекистонннинг Осиё мамлакатлари билан илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик ўрнатиш ва ривожлантириш борасида амалга ошираётган ишлари Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат борасидаги ишларининг ажралмас бир бўаги бўлиб ҳисобланади. Илмий - техникавий ҳамкорлик ишлари фанимиз ривожини жадаллаштиришга хизмат қилиши, ҳозирги замон фанининг энг муҳим муаммоларини ҳал этишнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Осиё мамлакатлари билан илмий-техникавий ҳамкорликни амалга оширар экан, аввало ишлаб чиқариш илм-фан ютуқларисиз амалга ошмаслигини исботлади. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати, Осиё мамлакатлари билан ўзаро илмий-техникавий ва маданий алоқалари ҳар бир жамиятда барқарорлик ва бирдамликни сақлаш, ҳар бир минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш масаласи негизида олиб борилмоқда.

REFERENCES

1. Халқ сўзи.1996 йил 15 август.
2. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг жорий архиви // Ҳиндистон билан маданий алоқаларнинг аҳволи ҳақида маълумот.1996й.
3. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитасининг жорий архиви. 2001 йил материаллари.. Ўзбекистоннинг Ҳиндистон билан илмий-техник ҳамкорлик ҳамкорлиги ҳақида маълумот. 1-7-бетлар.
4. Деловой партнёр Узбекистана.2000 г.10 марта.
5. Ўзбекистон Республикаси ФА жорий архиви. // Халқаро бўлимининг 2000 йилги ҳисоботи.3-бет
6. Қирғизбоев А.Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги.-Тошкент. “Фан”.2004.-Б.214
7. Самарқанд Давлат университети жорий архиви. 1- рўйхат, 4786- иш,110 – варақ.
8. Ўзбекистон Республикаси ФА жорий архиви. // ЎзФА Халқаро бўлимининг 2000 йилги ҳисоботи.16-бет

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00989

9. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитасининг жорий архиви. // ФТДҚ нинг Ўзбекистон ва Эрон Ислом Республикаси ўртасидаги фан ва техника ҳамкорлиги тўғрисидаги маълумоти.1-3-бетлар.
10. Жаҳонгиров Бурхон Бўронович. Ўзбекистоннинг Япония билан илмий - техникавий алоқалари. Academic Research in Educational Sciences, 2021. 2 (Special Issue 1), 312-318.
11. Усмонов Қ, Содиқов М, Бурхонова С. Ўзбекистон тарихи. -Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЯ.2016. –Б.456-457
12. Ўзбекистон Республикасини халқаро шартномалари. III-китоб.-Т.:1992.18-19-бетлар.
13. Самарқанд Давлат университети жорий архиви. 1- рўйхат, 605 - иш, 60 - варақ.
14. ЎзР ФА жорий архиви. 1- фонд, 1-рўйхат, 4680 - иш, 6 - варақ.
15. Ўзбекистон Республикасини халқаро шартномалари. III-китоб.-Т.:1992.19-20-бетлар.
16. Ўзбекистон Республикаси ФА жорий архиви // Халқаро илмий ҳамкорлик 1995 й 3-бет. Халқаро илмий-техник ҳамкорликлар.1996 й.6-бет
17. Жаҳонгиров Бурхон Бўронович. Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари билан илмий-техникавий алоқалари. Ўтмишга назар журнали. 2021. 2 сон, 4 жилд. –Б.16-21
18. Ўзбекистон Республикаси ФА жорий архиви // Ташқи алоқалар бошқармаси.//1999 йилда амалга оширилган ишлар ҳақида ҳисобот.15-бет.
19. Ўзбекистон Республикаси ФА жорий архиви // 1999 йили бажарилган ишлар ҳақида ҳисобот.14-бет.
20. Қирғизбоев А.Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги.-Тошкент. “Фан”.2004.-Б.198
21. Деловой партнер Узбекистана.2001г.18 октября.
22. Жаҳонгиров Бурхон Бўронович.Ўзбекистонннинг хорижий мамлакатлар билан илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик алоқалари. Academic research in educational contents. 2021.Volume 2, Issue 2, 986-994.
23. Ўзбекистон Республикаси ФА нинг жорий архиви.//Ўзбекистон Республикаси ФА нинг 2001 йилда бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи.1-2-бетлар.
24. Ўзбекистон Республикаси ФА нинг жорий архиви // Ташқи алоқалар бошқармаси.Ўзбекистон Республикаси ФА нинг 1999 йилда бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи.1-бет.